

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**



**Олий таълимнинг**

5140900-“Касб таълими” (5340100-иқтисодиёт тармоқлари бўйича) бакалавриат таълим  
йўналиши талабалари учун

**“КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА”**  
фанидан мустақил иш мавзулари ва уни бажариш бўйича  
услубий кўрсатма

Андижон-2012

**“Тасдиқлайман”**  
Андижон Машинасозлик Институти  
ўкув-услубий кенгашида мухокама  
қилинган ва маъқулланган  
Кенгаш раиси \_\_\_\_\_ К. Эрматов  
Баённома №\_\_\_\_ “\_\_\_” \_\_\_\_ 2012 й.

**“Маъқулланган”**  
“Техника” факультети услубий кенгашида  
мухокама қилинган ва маъқулланган  
Кенгаш раиси \_\_\_\_\_ К. Қосимов  
Баённома №\_\_\_\_ “\_\_\_” \_\_\_\_ 2012 й.

### **”Тавсия этилган”**

“Машинасозлик технологияси” кафедраси мажлисиджа  
мухокама қилинган ва тавсия этилган  
Кафедра мудири \_\_\_\_\_ Х. Акбаров  
Баённома №\_\_\_\_ “\_\_\_” \_\_\_\_ 2012 й.

### **Тақризчилар:**

- Собиров У - АндМИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти.
- Абдурахмонов В - АндМИ “Машинасозлик технологияси” кафедраси доценти.

### **Тузувчилар:**

- Алибеков Ш. А - АндМИ “Машинасозлик технологияси” кафедраси ассистенти.

Алибеков Ш А-“Касбий педагогика” фанидан мустақил иш мавзулари ва уни  
бажариш бўйича услубий кўрсатма А: АндМИ. 2012 й.

## **Мундарижа**

1. Кириш -----
2. Мустақил ишининг мақсад ва вазифалари-----
3. Мустақил иши мавзусини танлаш-----
4. Ахборот услубий таъминотни яратиш ва уларни ўрганиш-----
5. Мустақил иши режасини тузиш-----
6. Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш -----
7. Мустақил иши матнини ёзиш-----
8. Мустақил ишини расмийлаштириш-----
9. Мустақил иши химояси-----
10. Мустақил ишини баҳолашнинг рейтинг мезонлари-----
11. “Касбий педагогика” фанидан мустақил иши мавзулари тематикаси-
12. Ахборот услубий таъминот-----

## 1. КИРИШ

Таълим – тарбия жараёнини ҳар томонлама замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва ривожлантиришдаги омиллардан бири сифатида таълим-тарбия жараёнини бошқаришни юқори асосда ташкил этиш ва бошқаришдан иборатdir. Шу боисдан таълим тарбия жараёнида педагогик жараённи бошқаришнинг назарий асослари ва унинг механизмларини шакллантиришда

“Касбий педагогика” фанининг мазкур услугбий кўрсатмаси “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” хамда давлат таълим стандартлари бўйича бакалавр даражасидаги малакали иқтисодчи-педагог мутахассислар тайёрлаш талабларидан келиб чиқиб тузилган.

Ўқув жараёнининг узлуксиз жараёнларидан бири-бу талабаларда мустақил ишлаш ва назарий билимларни пухта эгаллашга қаратилган мустақил ишини бажариш хисобланади. Мустақил ишини бажариш жараёнида талабалар олган билимларни мустахкамлаш билан бир қаторда педагогик маҳорат асосларини, таълим муносабатларини, ижтимоий-педагогик жараёнларни, педагогик таълим-тарбия масалаларни, жамиятдаги таълим жараёни ислохотларни, таълим-тарбия жараёнларида Касбий педагогикани шакллантириш асосларини хамда педагогик маҳоратнинг назарий асослари тўғрисида хулосалар чиқариш, педагогик маҳоратни шакллантиришнинг жорий муаммоларини мўлжалга олиш учун зарур бўлган маълумот (ахборот)лар тўплаш ва улардан фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш, ривожлантириш қўнимасига эга бўлиш, умумпедагогик ихтисослик йўналишидаги фанлар бўйича билимларини кенгайтирадилар, ихтисослик бўйича адабиётларни чуқур ўрганадилар ва ўзларида илмий-тадқиқот ишларини мустақил бажариш қобилияtlарини ривожлантирадилар.

Ушбу услугбий қўлланма “Касбий педагогика” фани бўйича янги намунавий ўқув дастури ва ўқув режаси асосида тузилган бўлиб, унда касб таълими йўналишида таълим олаётган талабаларнинг мустақил ишини бажариши давомида амал қилиши лозим бўлган умумий тартиб-қоидалар, меъёрлар, тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берилган. Услубий кўрсатмани ишлаб чиқиша муаллифлар талабаларнинг назарий билимларини амалий жихатдан мустахкамлаш, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўйган.

“Касбий педагогика” фанидан мустақил ишларини бажариш бўйича кўрсатмада берилган талаблар мустақил ишини хажми, бўлимлари, мавзунинг назарий ахамиятини ёритишдаги асослари кўрсатилган бўлиб, Касбий педагогикани ошириш ва назрий асосларини ёритишдаги педагогик талабларни ўз ичига олади.

Ушбу “Касбий педагогика” фанининг мустақил ишларни бажариш бўйича услугбий кўрсатмасини талабаларни илмий-тадқиқотчилик ишларини ташкил этишнинг омилларидан бири сифатида келтириш мумкин

## **2. “Касбий педагогика” фанидан мустақил ишларни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари**

Мустақил ишининг мақсади-талабани назарий ва амалий тайёргарлигини аниқлаш, унинг фикрлаш қобилиятини ва олинган билимларининг чуқурлилигини ва сифатини белгилаш хисобланади.

Мустақил ишининг мақсадидан келиб чиқадиган асосий вазифалар куйидагилардан иборат:

- “Касбий педагогика” фанидан танланган мустақил иши мавзуси бўйича тарбиявий муаммолар моҳиятини назарий ва амалий асослаш ва мазмунли ёритилиши;
- Касбий педагогика тушунчаларни теран ва чуқур мантиқий мушохада қилиши;
- миллий истиқлол ғояси ва мафкуранинг асосий қоидалари хамда таълим-тарбияни тўғри шакллантириш асосида хозирги замон ривожланган малакали ўқитиши шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини сингдириш;
- таълим ва тарбиявий муносабатлар тўғрисида амалий кўнималар хосил қилиши;
- Президент Ислом Каримов асарларини, Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган таълим-тарбияга тегишли қонунларни ва Вазирлар Махкамаси чиқарган меъёрий хужжатларни ишда ўзлаштириши;
- интернет маълумотлари, хисботлар ва хужжатларни тахлил қилиш;
- ишлаб чиқариш ва хизма кўрсатиш хамда таълим самарадорлигини оширишга қаратилган йўл-йўриқ, хulosалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.
- Касбий педагогиканинг назарий ва амалий моҳиятини ёритиш

Мустақил ишини бажариш жараёни ўкув жараённинг ажралмас қисми бўлгани учун тўғри ташкил этиш, ёритилаётган мавзунинг сифатли баён этилишига таъсир кўрсатади.

Шунинг учун Мустақил ишини бажариш давомида талаба ўз меҳнатини куйидаги босқичлар бўйича тўғри тақсимлаши катта ахамиятга эга:

- Мустақил иши мавзусини танлаш;
- ахборот услубий таъминоти (адабиётлар, интернет) маълумотларини йиғиши ва уларни ўрганиш;
- Мустақил иши мавзуси режасини тузиш;
- мавзуга оид турли маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш;
- Мустақил иши матнини ёзиш;
- Мустақил ишини расмийлаштириш;
- Мустақил ишини химояси;

Мустақил ишини бажаришда талаба ўз устида ишлаши билан бир қаторда Мустақил иши раҳбарлари билан маслаҳатлашиши ва тегишли кўрсатмалар асосида фаолият кўрсатиши зарур хисобланади.

### **3. Мустақил иши мавзусини танлаш.**

“Касбий педагогика” фанидан мустақил ишини муваффақиятли бажарилишининг муҳим омили – бу талабанинг ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб мос мавзуни танлаши хисобланади. Шунинг учун ушбу босқичда талаба мавзу танлашда синчков ва маъсулиятли бўлиши лозим.

Мустақил иши мавзулари кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Мавзулар сони талабалар сонидан кўп бўлиши керак, уларнинг йўналиши ўқув дастури доирасида ва талабанинг қобилияти ҳамда имкониятлари даражасида бўлиши керак.

Мустақил иши мавзуси талабаларни назарий билимларини мустаҳкамлашга ва ижодий фикрлашга қаратилган бўлиши билан бир қаторда бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб белгиланиши керак.

Мустақил иши рахбари талабага танланган мавзу бўйича Мустақил иши топшириғини расмийлаштиради ва кафедра мудири тасдиқлагандан сўнг топшириқни талабага беради.

Мустақил иши топшириғида талабанинг исми шарифи, мутахассислиги, курс, гурухи, фан номи, мустақил иш мавзуси, топшириш муддати билан бир қаторда намунавий режа (кириш, асосий қисм, хуносава бошқалар) ҳамда адабиётлар, меъёрий хужжатлар ва шу кабилар акс этиши лозим.

Мустақил ишини бажариш жараённида мустақил иши мавзусини ўзгартириш ёки бошқа мавзу танланишига рухсат этилмайди.

Мустақил иши мавзусини танлаш тартиби гурух журналидаги исми, шаърифи рақами бўйича тақсимланади. Гурух талабаси тартиб рақами асосида учта мавзудан яъни 1, 2, 3, лардан ихтиёрий бирини танлаши мумкин. Агар курсда гуруҳлар сони иккитани ташкил этса ушбу гуруҳларга алоҳида мавзулар берилади. Бир мавзуни иккита талаба ёзиши мумкин эмас

Талаба гурух журналидаги исми, шаърифи бўйича тартиб рақами	1-мавзу	2-мавзу	3-мавзу
1	1.1	2.1	3.1
2	1.2	2.2	3.2
3	1.3	2.3	3.3
4	1.4	2.4	3.4
.	.	.	.
.	.	.	.
60	1.30	2.30	3.30

#### **4. Ахборот услугий таъминотини яратиш ва уларни ўрганиш.**

Талаба мустақил иши мавзусини биритириш түғрисида ариза бергандан сунг ва кафедра уни тасдиқлагандан сўнг раҳбар билан маслахатлашиб адабиётлар тўплашига киришиши керак. Бунда фақат дарслиқ, балки бошқа фанларни ўрганиш давомида кўрсатилган адабиётлар, статистик ва интернет маълумотлари, қонунлар, меъёрий хужжатлар ва бошқаларни ҳам ўрганиши лозим.

Ундан сўнг уларнинг ичидан мустақил иши мавзусига бевосита алоқадор бўлган адабиётлар рўйхатини тузиш ва уларни топиб бир қатор танишиб чиқиши керак, чунки бошланғич танишув натижасида талаба мустақил иши режасини мустақил равишда тузади.

Адабиётлар ва интернет маълумотлари билан ишлашни мамлакатимиздаги таълим қонунчилигига таъллуқли бўлган қонун ва меъёрий хужжатларни ўрганишдан бошлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хар томонлама мукаммал ёритилган ва илмий ижодий ёндошилган мустақил ишини баён этиш учун иқтисодий ва тарбиявий, педагогик қонуниятларни билиш ва уларни қўллаш катта аҳамиятга эга.

Мустақил ишини бажаришда фақат услугий қўлланмаларда ва мустақил иши топшириғида тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланиш билан чегараланиб қолмасдан, имкони борича мустақил холда танланган адабиётларга асосланиш лозим, хатто хорижий адабиётлардан ҳам фойдаланиш ишни мазмунини бойишига ва янада мукаммал бажарилишига ёрдам беради.

#### **5. Мустақил иши режасини тузиш.**

Мустақил иши танланган мавзунинг долзарблиги асосланган кириш қисмидан, илмий раҳбар билан келишиб тузилган режага кўра назарий ва амалий масалалар ёритилган асосий бўлимдан, шунингдек, хулоса ва таклифлар ёзилган хотимадан иборат ишдир.

Режадаги кўзда тутилган масалалар таркибий мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиши, аниқ бўлиши ва ўрганилаётган муаммони хар тарафлама акс эттириши мухимdir.

Режадаги хар бир масала ўзаро боғланган бўлиши лозим, уларни ёритища эса Касбий педагогиканинг моҳиятини ва назарий асосларини акс эттитивчи тушунчаларнинг бирор таълим муассасаларнинг амалий иш фаолиятига боғланган бўлиши ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Қуйидаги айрим мавзулар учун режа тузиш тартиби мисол тариқасида келтирилмоқда.

**Мавзу:** Касбий педагогиканинг таркибий қисмлари ва унинг моҳияти  
**Режа:**

1. Кириш.
2. Асосий қисм:
  - 2.1 Касбий педагогика тушунчаси ва унинг назарий асослари

- 2.2 Касбий педагогикани таркибий қисмлари моҳияти
- 2.3 Касбий педагогикани шакллантиришда усул ва воситалар.
3. Хулоса ва таклифлар
4. Фойдаланилган адабиётлар
5. Иловалар

**Мавзу:** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида малакали педагогларни тайёрлаш йўналишлари

Режа:

1. Кириш
2. Асосий қисм:
  - 2.1 “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг моҳияти ва назарий асослари
  - 2.2 “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да педагогларга қўйиладиган талаблар.
  - 2.3 Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари
  - 2.4 Ўзбекистон Республикасида малакали кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари ва жараёнлари
  3. Хулоса ва таклифлар
  4. Фойдаланилган адабиётлар.
  5. Иловалар

**Мавзу:** Президентимиз И. Каримовнинг таълим-тарбияга оид асарларида педагог шахсига қўйиладиган талаблар

Режа:

1. Кириш
2. Асосий қисм:
  - 2.1 Президент Ислом Каримовнинг таълим-тарбияга оид асарларининг моҳияти ва назарий асослари
  - 2.2 Президент Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод орзуси” номли асарида педагог шахсига қўйиладиган талаблар
  - 2.3 Педагог маънавиятини шакллантиришдаги Президент Ислом Каримовнинг фикрлари ва гоялари
  - 2.4 Замонавий таълим жараёнини шакллантиришда Президент Ислом Каримовнинг таълим-тарбияга оид қарашларининг ахамияти
  3. Хурова ва таклифлар
  4. Фойдаланилган адабиётлар.
  5. Иловалар

## **6. Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш.**

Ушбу босқичда талаба адабиётлар, интернет маълумотлари ва бошқа манбалар асосида мавзуни хар томонлама ёритиш мақсадида маълумотлар тўплайди ва улар бўйича хисоб – китобларни амалга оширади. Ушбу босқичда иқтисодий ва тарбиявий тахлил усулларидан фойдаланиб, тегишли хуносалар чиқарилади.

Мустақил иши назарий жиҳатдан турли манбалардаги маълумотлар тахлилига асосланган бўлиб, мавзуга мос муаммолар, таклифлар, схема, график, жадвал ва диограммаларда мужассамлаштирилган бўлиши лозим.

## **7. Мустақил иши матнини ёзиш.**

Мустақил ишини бажаришда уни ёзиш ва расмийлаштириш муҳим ва маъсулиятли босқич ҳисобланади.

**Кириш қисмида** талаба танлаган мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, аҳамияти, уни ўрганиш даражаси, методлари, янгилиги, муаммони ўрганишга қаратилганлиги, ва Мустақил иши бўйича ўз олдига қўйган масалалар мазмунининг қисқа (2-3 бет) баён этади.

**Асосий қисмда** белгиланган саволларни ёритишида масалага узвий боғлиқ бўлган назарий билимлар билан бир қаторда талаба томонидан тўпланган материаллар, статистик маълумотлар, педагогик тушунчалар моҳияти ёритилади ва тахлил қилинади. Олинган натижалар, янгиликлар, гоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланади ва ўрганилган адабиётлар, меъёрий хужжатлар ва бошқа манбалардан тўпланган маълумотлар тўла тахлил қилинади. Ушбу йўналишда бажарилган ишларнинг мамлакатимиз ва хорижий давлатлар тажрибаси ҳам баён этилиши мақсаддага мувофиқ келади. Агар талаба мавзу бўйича олган натижаларни танқидий баҳолай олса Мустақил ишининг қиймати янада ошади. Асосий қисмда мавзу моҳияти янада кенгроқ очишда мавзуга доир чизмалар ва жадвалларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Назарий томондан ўрганилаётган масала чуқур ёритилгандан сўнг мустақил ишини бажарувчи назарий билимларини амалий фаолият билан ўзаро боғлай олиши керак. Иш бўйича берилаётган таклифлар асосли бўлиши ва таклифлар аниқ, лўнда ва тушунарли қилиб баён қилиниши керак.

Талаба мустақил иши матнини ёзишда адабиётлар ва манбалардан олинган ситеталар ва муаллифларнинг қарашлари қўштиренок ичida берилишига эътибор берилиши лозим.

**Хуноса қисмида** мустақил ишининг барча қисмлари доирасида бажарилган ишларга умумий якун ясалади. Ушбу мустақил иши доирасида эришилган асосий натижалар хуноса ва таклифлар, тавсиялар кўрсатиб ўтилади.

**Фойдаланилган адабиётлар** рўйхатини тузишида ишнинг хуносаси қисмидан кейин келтирилади, рўйхатга фақат ишни ёзиш жараёнида муаллиф томонидан фойдаланилган адабиётлар, қонунлар, карорлар,

мақолалар, тезислар, автореферетлар, журналлар, газеталар ва х.к.лар киритилади.

Амалдаги «Хужжатларни библиографик рўйхатга олиш» давлат стандартига мувофиқ курс ишларида фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўйидагилар келтирилади:

- китоб, монография, дарслик, ўкув қўлланмалар учун муаллиф (лар) нинг фамилияси, исми, ва отасининг исми бош харфлари, китобнинг номи, нашр жойи (шахар), нашриёт номи, нашр йили, бетлар ;
- тўпламдаги мақолалар ва тезислар учун муаллиф (лар) нинг фамилияси, исми ва отасининг исми бош харфлари, мақола номи, тўпламнинг номи, нашр жойи (шахар) нашр йили, бетлар тўпламдаги мақола номи тўплам номидан // белгиси билан ажратилади.
- журналдаги мақолалар учун муаллифнинг фамилияси, мақола номи, журнал номи йили, бетлари, мақола номи ҳам журнал номидан // белгиси билан ажратилади.

Мустақил ишида фойдаланилган манбаалар адабиётлар рўйхатидан алфавит бўйича жойлаштирилади. Агар талаба айрим маълумотларни интернетдан олган бўлса, муаллиф ва ишнинг номи кейин WEB сайти кўрсатилади.

Мустақил ишини ёзиш жараёнида талаба адабиётларида келтирилган бошқа олим ва мутахассисларнинг фикрларини келтириш мумкин. Бундай ҳолларда матнда ушбу адабиётлардан фойдаланилганлик белгиси қўлланилади.

Айрим вақтларда мавзуга оид қонунлар, хукумат қарорлари ва меъёрий хужжатлардан айнан кўчирмалар келтирилади. Бундай ҳолларда сатр ости изоҳи берилади.

Сатр ости изоҳлари саҳифа сўнгида берилиб, матнда ҳар бир саҳифа учун кетма – кетлик асосида рақамланади ёки юлдузчалар билан белгиланади.

**Иловалар қисмида** Мустақил иши мавзусига оид чизмалар, жадваллар, кластер технологияси асосидаги категориялар ва турли тушунчарни келтириб ўтиши ёки матн тарзида атамалар асосида изоҳларни келтириб ўтиши лозим. Иловалар қисмида мустақил иши мавзусига тегишли бошқа чизмалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мустақил ишини ёзишда талаба авалло раҳбарнинг кўрсатма ва маслаҳатларига риоя этиши зарурдир.

## 8. Мустақил ишини расмийлаштириш.

Мустақил ишини расмийлаштириш белгиланган талаб ва стандартларга жавоб бериши керак.

Мустақил иши матни саҳифанинг маълум чегараларида жойланиши чизма ва жадвалларни расмийлаштирилиши, бир хил форматдаги оқ қофозлардан фойдаланилиши ишни сифатли ва умумий талаблар бўйича ёритилишига олиб келади.

Мустақил иши асосан А4 (210x297 мм) фарматидаги оқ қоғозларга кўк тушда (ручкада) тушунарли тарзда, қисқартиришларсиз, аниқ ва равон тилда ўз қўли билан давлат тилида (рус гурухларда рус тилида) ёзилади. Мустақил иши хажми 15 -20 бетни ташкил этиши лозим. Хар бир саҳифани чап томонда 30 мм, ўнг томондан 15 мм тела ва пастки томондан 20 мм қолдирилган ҳолда ёзилади. Мустақил иши матнлари қоғознинг бир томонига хар саҳифага 25- 30 қатор ёзилади. Ҳар қаторда 7-8 та сўз жойлашиши мумкин. Барча сатр ости изохлари қайси саҳифага тегишли бўлса, ўша саҳифада келтирилади.

Ҳар бир қисм, кириш асосий ва ҳулоса қисмлари, иловалар янги саҳифалардан бошланади. қисмнинг номи ва матн ораси яқъол ажралиб туриши керак. қисмдаги сарловҳалар қисмнинг тартиб рақами билан бошланиб, унда сўзларнинг бўғин кўчирилишига йўл қўйилмайди.

Саҳифа тартиб рақами саҳифанинг пастда ўрта–қисмида келтирилади. Мустақил ишида келтирилган қисмлар, шунингдек иловалар ҳам саҳифаланади. Жилд варафи 1-бет саналади, унга тартиб рақами қўйилмайди.

Мустақил иши қисмлари қўйидагича жойлаштирилади: жилд варафи, мундарижа, кириш, асосий қисм, ҳулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар.

Иловада турли хужжатлар, катта хажмдаги чизмалар, жадваллар ва шу кабилар берилади. Мустақил иши юзасига тақриз учун оқ қоғоз қўйилиши мақсадга мувофикдир.

Жилд (титул) варафи мустақил ишининг 1- бети бўлиб, унда Вазирлик, олий ўқув юртининг номи факультет ва кафедра, Мустақил иши мавзуси, таълим йўналиши, курси, гурухи, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарфи, илмий раҳбарнинг илмий унвони ва даражаси, фамилияси, исми ва шарифи келтирилади. (1-илова).

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**“ТЕХНИКА” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ**

**“КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА” ФАНИДАН**

# **МУСТАКИЛ ИШ**

**Мавзу:** \_\_\_\_\_  
/ \_\_\_\_\_

**Бажарди: “\_\_\_\_\_” йўналиши \_\_ курс \_\_ гурух \_\_\_\_\_**

**талабаси \_\_\_\_\_**

**Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_**

**Рейтинг бали: \_\_\_\_\_**

**АНДИЖОН – 2012.**

## **9. Мустақил иши химояси.**

Мустақил иши химояси Мустақил иши бажарилишининг якуний босқичларидан бири хисобланади. Тугалланган Мустақил иши белгиланган муддатда кафедрага текшириш учун топширилади. Паст савияда сифатсиз бажарилган ишлар, илмий раҳбарнинг ёзма тақризи билан ишдаги камчиликларни тўлдириш ва қайта ишлаш учун талабаларга қайтарилади. Белгиланган талаблар даражасида сифатли бажарилган ишлар илмий раҳбар томонидан кафедрада химоя қилиш учун рухсат берилади.

Мустақил иши химояси учун хар бир талабага 10-15 дақиқа вақт берилади. Химоя жараёнида Мустақил иши мавзуси доирасида савол ва топшириклар берилиши мумкин.

Кафедрада Мустақил ишини химоя қилиш учун маҳсус комиссия тузилади. Комиссия таркибида етакчи мутахассис, тажрибали профессор – ўқитувчилар ва Мустақил иши раҳбари бўлиши лозим, унинг сони 1 кишидан ортмаслиги керак.

Мустақил иши химояси комиссия томонидан баҳоланади, сўнгра химоя якуни бўйича комиссия қарори эълон қилинади. мустақил ишлари, кайднома ва тақризлар билан бирга кафедрага топширилади, сўнг архивга сақлаш учун институт архивига руйхат асосида топширилади.

Намунали бажарилган курс ишлари талабаларнинг илмий ишлари кўриклирига, танловларга тавсия қилиниши мумкин. Мустақил ишида баён қилинган маълумотлар ва манбалардан талабалар томонидан битирув малакавий ишларни ёзиш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

## **10. Мустақил ишини баҳолашнинг рейтинг мезонлари**

Бакалавр 5140900-“Касб таълими” (5340100-иктисодиёт тармоқлари бўйича) йўналиши талabalari томонидан курс ишлари бажарилади. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган Мустақил иши талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар мустақил иши талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва мустақил ишининг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Мустақил иши кафедра профессор-ўқитувчиларидан ташкил топган комиссия олдида химоядан ўтказилади. Мустақил иши натижаси 100 баллик тизими бўйича баҳоланади.

### **Мустақил ишини баҳолаш мезони**

Максималл балл (100%)	Саралаш балл (55%)	Якуний рейтинг балл	Рейтинг натижаси
100	55	86-100 71-85 55-70 0-54	“Аъло” “Яхши” “Қониқарли” “Қониқарсиз”

Мустақил иши химояси юқори савияда Низом талабларига тұла риоя қилинган холда холис ва адолатли үтказилиши хамда баҳоланиши лозим.

### **Мустақил ишини баҳолаш тартиби**

№	Мустақил иши бүйіча иш турлари	86-100 балл	71-85 балл	55-70 балл	0-54 балл
1	2	3	4	5	6
1	Мустақил ишини хажми ва талаб бүйіча расмийлаштирилғанлиги;				
	- талабга жавоб беради;	8-9			
	- талабга қисман жавоб беради;		6-8		
	- талабдан четға чиқиши холатлари мавжуд;			5-6	
2	- талабга жавоб бермайды;				0-5
	Мавзунинг долзарб эканлигини асосланиши;				
	- давлат дастурига кирганды;	8-9			
	- грант лойихаси бүйіча;		6-7		
3	АндМИ дастури ва долзарб муаммолар бүйіча;			5-6	
	- долзарб эмас;				0-5
	Мавзунинг долзарблигининг асосланғанлиги;				
	- етарлы даражада асосланғанлиги;	7-9			
4	- етарлы даражада асосланмаган;		6-7		
	- ноаниқ;			5-6	
	- асосланмаган;				0-5
	Мақсад вазифаларининг аниқ ифодаланғанлиги:				
5	- аниқ;	7-9			
	- тұлық аниқ эмас;		6-7		
	- аниқ эмас;			5-6	
	- ифодаланмаган				0-5
6	Мустақил ишини химоя қисміда ижтимоий (таълим) сохаасыда құллашга тавсия берилғанлиги:				
	- бевосита құллашга тавсия бор;	7-8			
	- қисман құллашга тавсия қилинган;		6-7		
	- тавсия ишончли эмас;			5-6	
7	- тавсия йўқ;				0-5
	Олинган натижаларни янгилиги ва ишончлилик даражаси:				
	- натижа янги;	7-8			
	- илгари олинган;		6-7		
8	- тұла ишончли эмас;			5-6	
	- эскирган, ишончли эмас;				0-5
	Талабанинг мавзу бүйіча олинган натижаларини танқидий баҳоланғанлиги даражаси:				
	- аниқ;	7-8			
7	- тұлық аниқ эмас;		6-7		
	- жуда саёс;			5-6	
	- танқидий баҳоланмаган;				0-4
	Адабиётлардан фойдаланғанлик даражаси:				

	- қонунлар, қарорлар, илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тұла фойдаланилған;	7-8			
	-дарслык, маъруза матнлари, ўқув-қўлланма, ва маълумотлардангина фойдаланганлиги;		6-7		
	- етарли фойдаланилмаган;			4-6	
	- фойдаланилмаган;				0-4
9	Талабанинг маърузасига баҳо:				
	- аъло;	7-8			
	- яхши;		6-7		
	- қониқарли;			4-6	
	- қониқарсиз;				0-4
10	Берилган саволларга жавоблари:				
	- тўлик;	7-8			
	- ўрта;		6-7		
	- қониқарли;			4-6	
	- қониқарсиз;				0-4
11	Адабиётлар танқидий тахлили даражаси:				
	- тўла даражада;	7-8			
	- қисман даражада;		6-7		
	- ноаниқ;			4-5	
	- тахлил йўқ;				0-4
12	Интернет сахифаларидан фойдаланганлик идаражаси:				
	- етарли, натижага янги;	7-8			
	- қисман, илгари олинган;		5-7		
	- тўла ишончли эмас;			4-5	
	- фойдаланилмаган;				0-4
13	Мустақил ишига қўйилган якуний балл:	86-100	71-85	55-70	0-54

Агар мустақил иши химояси вақтида талаба маърузани қила олмаса, малакавий ишни мохиятини очиб берса олмаса, мазмунини тушунтира билмаса, мавзу бўйича берилган саволларга жавоб берса олмаса хамда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилса, комиссия аъзолари томонидан “қониқарсиз” деб топилса 0-54 балл билан баҳоланади. Мустақил иши химояси натижалари комиссия томонидан шу куннинг ўзида баҳолар эълон қилинади.

## 11. “Касбий педагогика” фанидан мустақил иши мавзулари тематикаси

- 1.1. Семинар машғулотларни ташкил этишда ўқитувчининг Касбий педагогиканинг роли
- 1.2. Ахлоқий тарбия беришда ўқитувчининг маҳорати
- 1.3 Касбий педагогика фанининг долзарблиги
- 1.4 Педагогик техникани шакллантириш масалалари ва унинг компонентлари
- 1.5 Касбий педагогикада ўқитиш воситалари ва услублари

- 1.6 Касбий педагогикада ўйин методларининг моҳияти
- 1.7 Касбий педагогикада интерфаол методларнинг ўрни ва аҳамияти
- 1.8 Хозирги даврда касбий педагогикани шакллантириш масалалари
- 1.9 Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари
- 1.10. Касбий педагогикада янги педагогик технологиялар
- 1.11 Касбий педагогикада ўқитишининг услубий асослари
- 1.12 Касбий педагогикада педагогнинг ижодий кайфиятини бошқариш
- 1.13 Касбий педагогикада педагогик техниканинг аҳамияти
- 1.14 Педагогик қобилият компонентлари
- 1.15 Таълим-тарбия жараёнида педагогик техникани эгаллаш усуллари
- 1.16 Ўқитувчининг коммуникатив фаоллиги тушунчаси
- 1.17 Касбий педагогика фанида рейтингнинг роли
- 1.18 Таълим жараёнида мулоқот орқали таъсир кўрсатишнинг педагогик асослари
- 1.19 Семинар машғулотларини ташкил этишда ўқитувчининг Касбий педагогикай
- 1.20 Касбий педагогикани шакллантириш тамойилари ва муаммолари
- 1.21 Ўзбекистонда касбий педагогиканинг ривожланиш омиллари
- 1.22 Таълим-тарбия жараёнида шахс маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш
- 1.23 Касбий педагогика тамойиллари
- 1.24 Касбий педагогикада психологияк хизматларнинг методологик ва назарий асослари
- 1.25 Касбга доир замонавий талаблар ва унинг аҳамияти
- 1.26 Касбий педагогика асослари фанининг яратилиши ва унинг мақсад ва вазифалари
- 1.27 Таълим жараёнида ўқитиши воситалари
- 1.28 Оила тарбиясида олий таълим муассасаси ва жамоатчиликнинг ўрни
- 1.29 Педагогик ташкилотчиликнинг тарбиявий аҳамияти
- 1.30 Педагогик низолар ва уларни бартараф этишнинг омиллари
- 2.1 Узлуксиз таълим тизимида ёш педагогнинг тараққиёти
- 2.2 Педагогик-психологияк хизматларнинг методологик ва назарий асослари
- 2.3 Педагогикада ўйин методларининг класификацияси
- 2.4 Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг энг муҳим механизмлари
- 2.5 Педагогнинг нутқ маданияти ва нотиклик санъати
- 2.6 Ахлоқий маданиятни ривожлантиришда педагогнинг маҳорати
- 2.7 Касбий педагогика фани трейнинг ва унинг шахс педагогик маҳоратини шакллантиришдаги роли
- 2.8 Дарс жараёнида талабаларнинг ҳаёт фактларига нисбатан бўлган эмоционал муносабатлари
- 2.9 Дарсдан ташқари тарбиявий ишлар самарадорлигни ошириш
- 2.10 Талабалар ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари
- 2.11 Таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантишиш
- 2.12 Коллеж ва академик лицейларда иқтисодий фанларни ўқитиши ва уларни такомиллаштириш йўллари

- 2.13 Таълим жараёнида таълим олувчиларни тарбиялашнинг асосий мақсад ва вазифалари
- 2.14 Таълимда инновацион технологияларни қўллай олиш маҳорати
- 2.15 Таълим-тарбия жараёнида педагогик техникани эгаллаш усуллари
- 2.16 Таълим жараёнида янги педагоги технологиялардан фойдаланиш
- 2.17 Таълим муассасаларида психологик хизматларни ташкил этилиши
- 2.18 Таълим муассасаларида психологик хизматнинг ташкил этилиши
- 2.19 Тадқиқот методларида амали қилинадиган асосий назарий принциплар
- 2.20 Ўқув жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш
- 2.21 Педагогик жараёнларда талабаларнинг нутқий муносабатлари
- 2.22 Дарс жараёнида ўқитувчининг тарбиявий маҳорати
- 2.23 Шахснинг ижтимоий муҳитга ва талабларга бўлган муносабати
- 2.24 Тарбия жараёнида кишиларнинг ўзаро таъсири этиш усуллари
- 2.25 Таълим жараёнида ўзлаштириш технологиялари
- 2.26 Педагогик назокат ва одоб ахлоқнинг назарий асослари
- 2.27 Шахснинг ҳаёт фактларга нисбатан бўлган эмоционал муносабати
- 2.28 Нутқ маданиятида илмийлик тушунчаси
- 2.29 Таълим тизимида бўлажак педагогнинг шаклланиши
- 2.30 Таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш
- 3.1 Дарс машғулотларида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари
- 3.2 Касбий педагогикага қўйиладиган замонавий талаблар
- 3.3 Дарс машғулотларини лойиҳалашда Касбий педагогикани ўрни ва аҳамияти
- 3.4 Илмий-ижодий ишларни ўқитувчи Касбий педагогикаини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти
- 3.5 Хозирги давр таълим тизимида ўқитувчи шахси сиймоси
- 3.6 Касбий педагогикани шакллантиришда ахборот технологияларининг ўрни
- 3.7 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўқитувчи касбига доир мулоҳазалари ва фикрлари
- 3.8 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ қилишга доир фикрлари ва ғоялари
- 3.9 Умуминсоний қадриятларни педагогик таълим-тарбия жараёнига педагогик аҳамияти
- 3.10 Олий таълимда умумлашган педагогик технологиялардан фойдаланиш
- 3.11 Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида ўқитувчи-педагогик шахси сиймоси
- 3.12 Ижтимоий фанларни ўқитиш ва ўзлаштиришдаги педагогик технологиялар ва Касбий педагогиканинг ўрни
- 3.13 Миллий адабиёт ва ижтимоий маданиятни Касбий педагогикага таъсири
- 3.14 Ўқитувчи одобида кийиниш маданияти
- 3.15 Ўқитувчи касбига оид салбий ҳислатларни камайтириш усуллари
- 3.16 Хозирги даврда Касбий педагогикани шакллантириш масалалари
- 3.17 Хозирги давр замонавий ўқитувчисининг касб-одоб этикаси ва уни ташкилий асослари

- 3.18 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарининг педагогик ахамияти ва ўқитувчи маънавиятига таъсири
- 3.19 Семинар дарсларда Касбий педагогика ва унинг ташкилий асослари
- 3.20 Ўзбекистон Республикасида малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари
- 3.21 Касбий педагогика компонентлари
- 3.22 Дарс машғулотларида интерфаол усуллардан фойдаланишни ташкил этишда касбий педагогикани ўрни ва аҳамияти
- 3.23 Касбий педагогика тамойиллари
- 3.24 Касбий педагогикани шакллантириш ва оширишга доир янги йўналишлар ва технологиялар
- 3.25 Шарқ уйғониш даври мутаффакирларининг таълим-тарбияга оид қарашлари
- 3.26 Касбий педагогикани шакллантиришда таълим ҳамкорлигининг ўрни ва аҳамияти
- 3.27 Ўқув жараёнини ташкил этишга қўйиладиган педагогик талаблар
- 3.28 Ўқитувчи нутқ маданиятида илмийлик тушунчаси
- 3.29 Ўқитувчи-педагогнинг касбий сифатларини ошириш омиллари
- 3.30 Касбий педагогика фанининг ижтимоий ахамияти ва ўрганишнинг зарурати

“Касбий педагогика” фанидан Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига оид янгиликлар ва таълим ислохотларини аалга оширишнинг муҳим омилларидан келиб чиқиб, намунавий мувзулар сифатида киритилаётган мавзулар тематикасини қўйидагиларда кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касб педагогикаси
2. Касбий педагогиканинг назарий асослари
3. Ходимлар тайёрлашнинг назарий асослари
4. Касб педагогикасида таълим жараёнининг моҳияти
5. Касб таълим мазмуни ва моҳияти
6. Касб педагогикасида таълим методлари
7. Ўқитишиш воситаларининг яратилиши ва қўлланилиши. Ўқув жараёнида ўқитишиш воситалари
8. Касбий таълимда инновацион технологиялар
9. Касбий фанларни ўқитишиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш
10. Касб таълими муассасаларида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти  
Касб таълими муассасасини бошқариш
11. Шифокор-педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш

## **12. АХБОРОТ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ.**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий хужжатлари. 3-18 бетлар.
- 3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарқ, 2001, Олий таълим меъёрий хужжатлари. 18-52 бетлар.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари**

- 4.“Таълим ва кадрларни тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869- сонли Қарори.
- 5.Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ташкиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сонли Қарори.
- 6.“Узлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 5-сонли Қарори.
- 7.“Академик лицей ва касб-хунар таълими фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли Қарори.
- 8.“Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 й. 07.03. 82 –сонли Қарори.
- 9.“Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тузилишини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12.06. 253-сонли Қарори.
- 10.«Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.
- 11.Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2005, 3-июн.
- 12.«Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли Қарори.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳукукий-меъёрий хужжатлари**

13.”Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли Қарори.

14.Ислом Каримов. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марраралар сари изчил харакат қилишимиз лозим”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги 2005 йил якунларига бағишлиланган маъruzаси. 10 феврал, 2006.

15.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруфи.

16.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъзуза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруфи.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

17. И. А. Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”–Т: 2011
18. И. А. Каримов. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси Халқ сўзи, 2011 й. 22 январ, № 16 (5183)
19. И.А.Каримов. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир”– Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 34-50 б.
- 20.И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
- 21.И.А.Каримов. “2008 йилда республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъзуза” “Халқ сўзи”, 2009 й.14 феврал, № 33-34 (4696-4697)
- 22.Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”-Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. –48-56 б.
23. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз–жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”.–Т.: Ўзбекистон, 2005.–136б.
- 24.Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари

изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

## V. Дарсликлар

25. Азизхўжаева Н.Н.Педагогик технологиялар ва Касбий педагогика.Т-2003.
- 26.Фарберман Б.Л, Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишинг замонавий усуллари.Т-2002.
- 27.Авлиёкулов Н. Замонавий ўқитиши технологиилари. Тошкент 2001.й.
28. Сластенин В.А., Мигаеко А.И. профессионально – педагогическая подготовка современного учителя.-Сов. Педагогика, 1991, №10, с. 79-84.
- 29.Пидкастой П.И. Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении. - М.: Педагогика, 1980. - 238 с.
- 30.Пидкастой П.И., Хайдаров Ж.С. Технология игры в обучении и развитии: Уч. пособие/ Моск. пед. ун-т. - М.: Рос. пед. агентство, 1996.-268 с.
- 31.Подласой В.П. Педагогика: Учебник. -М.: Высшее образование, 2006, – 540с.
- 32.Сластенин В.А., Мигаеко А.И. профессионально – педагогическая подготовка современного учителя.- Сов. Педагогика, 1991, №10, с. 79-84.
- 33.Сластенин В.А., Л.С.Подемова. П-ка: Инновационная деятельность. М.: 1998.

## VI. Ўқув қўлланмалар

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12-ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2010. -281 бет.
- 35.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010. – 340 б.
- 36.Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах.:Учебное пособие //Под обх. ред. Акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
- 37.Джумабаева Ф.А., Суфиходжаев Н., Турсунова З.М. Развитие творческого мышления студентов: Учебно-методическое пособие.-Андижан, 2002, – 103с.
38. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси. Ўқув қўл.–Т.,2005.–325 б
39. У. Махкамов, Н. Тилябова, “Касбий педагогика” ўқув қўлланма Т: 2003

- Управление проектами: учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности 061100 «Менеджмент орг» / И.И.Мазур, В.Д.Шапиро, Н.Г.Ольдерогге. /Под обх.ред. И.И.Мазура. -М.: Омега-Л., 2007, – 664с.
- 40.Фарберман Б.Л. Передовъе педагогические технологии. – Т.: ФАН, 2000
- 41.Хажиева К.Н. Иқтисодий олий ўқув юртидаги таълимнинг лойиҳали технологияси. Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2009, – 148 бет.
- 42.Эффективнўе технологии в экономическом и бизнес - образовании: проектная технология обучения. Сб-к проектных техн. обучения. Ч.1. - Т.:ТГЭУ, 2009, – 190 с.
- 43.Хўжаев Н. Иқтисодий педагогика. Тошкент-2008, 256-б
- 44.Педагогика профессионального образования. /Под. ред. В.А.Сластенина – М.: Академия, 2007. – 267 с.
- 45.Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш услибиёти. – Т., 2008.– 434 б.
- 46.Хакимова М, Хўжаев Н, Ахмедов Д. Педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2007. 166 б.
47. Хўжаев Н, Тожибоева Д. Мамараҳимов Б,Шомуратова Н. Касбий таълим методикаси. Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2007. 190 б.
48. Хўжаев Н., Хошимова М., Хакимова М., Очилова Г., Мусахонова Г. Педагогика. Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2007. 370 б.
- 49.К. Турғунбоев, А. Й. Тешабоев “Касбий педагогика асослари” Маъруза матни “Андижон нашриёти ” 2002
50. Ў. Орзиқулов “Педагогик махорат” фанидан ўқув-услубий мажмуа А: АндМИ - 2011

## **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

51. Бершадский М.Е., В каких значениях используется понятие «технология» в педагогической литературе? //Школьное технологии- 2002.- № 1. - С.3 - 18.
- 52.Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьное технологии - 2004. - № 4.-С.12
- 53.Зевин Л.В. Образовательнўе технологии и технологическая культура учителя // Школьная технология.-М.: 2002.- № 5.-Б. 22.
- 54.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опўта.- // М.: Знание, 1989 / Новое в жизни, науке, технике. Сер. «Педагогика и психология». № 6.
- 55.Кушнир А.М. Методический плюрализм. //Школьное технологии.- 2004. № 4. - С.3 - 11.Изд-во АПН РСФСР, 1956. - 234 с.
- 56.Нетрадиционное формы и методы обучения и контроля качества знаний: Межвузовский сборник научных трудов/Под ред.
- 57.Н.П.Макаркина. - Саранск: Изд. Мордовского ун-та, 1994. - 218 с.
- 58.Нечаев Н.Н. Моделирование и творчество. - М.: Знание, 1987. -90 с.
- 59.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000.-46 б.

## **VIII. Интернет сайлари**

- 60.Афонина М.В.Метод проектов в работах зарубежных ученых  
<http://www.eidos.ru/journal/2005/0530.htm>.
- 61.Горлицкая С.И. Метод проектов в информатизации образования - обзор и реализация [http://vio.fio.ru/vio\\_03/cd\\_site/Articles/art\\_4\\_4.htm](http://vio.fio.ru/vio_03/cd_site/Articles/art_4_4.htm)
- 62.Ерогина Н.Н. Проектное обучение в технологии  
<http://festival.1september.ru/articles/513518>.
- 63.Краля Н.А.Метод учебных проектов как средство активизации учебной деятельности учащихся /Учебно-методическое пособие  
[http://window.edu.ru/window\\_catalog/pdf2txt?p\\_id=10785&p\\_page=1](http://window.edu.ru/window_catalog/pdf2txt?p_id=10785&p_page=1).
- 64.Ожогина Е.М. Компетентностно-ориентированный подход в образовании  
[http://www.tarmpi.kz/nich/n\\_publ/ppk/sekcya1/ojogina.doc](http://www.tarmpi.kz/nich/n_publ/ppk/sekcya1/ojogina.doc).
- 65.[www.glef.org](http://www.glef.org). Джордж Лукаснинг Таълимнинг фонди.
- 66.[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). Таълимнинг янги уфқлари.
- 67.[www.rhecherswithoutborders.org](http://www.rhecherswithoutborders.org). Чегарасиз ўқитувчилар.